



Августдаги меҳнат - пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланадиган кун ҳам тобора яқинлашмоқда. Барча жабҳаларда ушбу байрамни муносиб кутиб олиш учун қизгин меҳнат тараддуди авжда. Жумладан, деҳқонларимиз ҳам янги ҳосил учун курашни тобора кучайтирмоқдалар.



Ховос туманидаги "Муҳаммадрасул Акбар хожи ўғли" фермер ҳўжалигида 23 гектар ерда ғўза парваришланапти. Икки марта шарбат бериб сўғорилган ғўза ҳосилига ҳосил қўйилмоқда.

Айни пайтда ҳар бир гектар майдон кузатувчилар назоратида. Улар ғўза майдонларида зараркундалар учраши билан бракон, олтинқўз ҳамда трихогрмалар билан ишлов бермоқда.

— Бугунги меҳнат мўл ҳосил гаровидир, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Муҳаммадрасул Акбаров. — Шу боис, ҳар бир кунимизни зарбдор кунга айлантирялмиз.

Шомурод ХОЛМУРОВОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Муаллиф олган сурат

Экинни

ясатадиган ой

Дарҳақиқат шундай. "Асад — экиннинг ясади", дейди деҳқонларимиз. Бу нақлнинг туб моҳиятига тўла етмаган пахтакор ютқадади. Ҳа, азал-азалдан деҳқон учун бу ойнинг ўрни, аҳамияти ўзгача. Айнан мана шу ойда ҳосил тақдири ҳал бўлади. Пахтанинг салмоғи ҳам, сифати ҳам айни шу кунларда шаклланиб, эртанги ҳосил чўғи ақол билинади. Зеро, шу даврда ғўза кун санайди. У экиннинг ривожини учун зарур бўлган ҳароратнинг катта қисмини, сув, маҳаллий ўғит ва парвариш орқали бериладиган асосий қувватни шу пайтда олади. Ана шу ҳақиқатни "чўғур" аниқлаган пахтакор фермерлар далада ҳозир ғўза чинакамга "ишламоқда". Шона гулга, гул қўсакка айланаётган. Ҳақиқий миришкор фермерлар ҳар тўл ғўзадаги қўсаклар сонини 7-8 тага етказишган ва бундан асло хотиржамликка, берилмасдан ишловини, "шарбат"ли сўғоришни омиқкорлик билан давом эттирмоқдалар.

Сув — зар, сувчи заргар

Пахтачиликда сўғоришнинг аҳамияти беқийс. Худди ана шу агротехник тадбир қанчалик оқилона ўтказилса, ҳосил чўғи шунчалик юқори бўлади. Тажрибатор деҳқонлар ва мутахассисларнинг таъкидлашларича,

Долзарб мавзу

захоти ғўза қатор ораларида ишлов ўтказиш бир томондан ғўза илдиғига ҳаво ва ҳарорат етарлича етиб боришини таъминласа, иккинчи тарафдан бегона ўтларнинг пайини вақтида қирқади. Натияжада, ғўза яйраб ўсади ва керакли ҳосилни тўплашда қийналимайди. Аксинча, яъни ишловнинг салгина хато ғўза ривожига кескин салбий таъсир кўрсатади. Айтилик, сўғориш кечикиб, ғўза чинақиб қолса, гули тўқилади. Сув меъёридан ошиб кетса, ғўза ғовлайди. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳосилдорлик гектаридан 7-8 центнергача камайиб кетади. Шу боисдан ҳам деҳқонлар бу даврда сувни зарга, сувчини заргарга қийслайдилар. "Сувчи — ҳосил яратувчи", дейдилар ҳурмат билан.

Августдаги сўғоришнинг нечоғли аҳамиятли эканини "Асад суви — асал суви", деган нақлдан ҳам аниқлаш мумкин. Пахтакорлик ҳадисини олган уста деҳқонлар августда сўғоришни, албатта, "шарбат" усулида ўтказадилар. Бунинг учун етарли даражада маҳаллий ўғит жамғариб, компост тайёрлаб қўйилади. "Шарбат усули"нинг, айниқса, сув тақчил бўлган шароитдаги аҳамияти беқийсдир. Зеро, маҳаллий ўғитга тўйинган обихот ғўза танасида узоқ сақланиб, унга етарли даражада қувват беради. Пировадиди, ҳосилнинг чўғи баланд, тала сифати юқори бўлади.

Бугунги ишлов — ҳосилга гаров

Сўғориш билан култивация нечоғли уйғун олиб борилиши жами ҳосилнинг тақдирини ҳал қилувчи роль ўйнайди. Сўғоришдан сўнг ер тобга келган

Чеканка сифатида гап қўй

Ана шу оддий тадбир ҳам аслида ҳосил тақдирини ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чеканка вақтида сифатли ўтказилган

жойларда ғўза бўйига эмас, энига ўсади, яъни ҳосил салмоғи 15 фоизга қадар ортиб, пахта 10-15 кун барвақт очилади. Ана шунини яхши билган фермерлар далада бугун чеканка авжидида. Мухими, уни ҳам ишни қўзини билган ҳолда сифатли ўтказиш керак. Самараси шунга яраша бўлади.

Бегараз ёрдамчилар

Ғўза зараркундаларига қарши курашнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Чунки, айни шу кунларда далада қўсак қурти, ўргимчакана сингари ҳашаротлар пайдо бўлиш хавфи мавжуд. Тадбиркор деҳқон мутахассислар билан бамаслаҳат ҳолда бунинг чорасини қўриб қўйган, албатта. Яъни, зарарли ҳашаротларга қарши кураш имкони борича фақат биологик усулда олиб борилади. Бунда хонқизи, габрабракон сингари атроф-муҳитга зарар етказмасдан ғўзанинг жисмини тозаловчи беминнат ёрдамчиларнинг ўрни беқийс. Дарвоқе, ёрдам ва ёрдамчилар ҳақида яна бир гап. Бугун деҳқон учун энг тигиз, энг масъулиятли, энг машаққатли кунлар бошланди. Бинобарин, унга ҳар томонлама қўмак, мадад зарур. Агроном ёки био-мутахассис бўладими, тиббиёт ёки маданият ходими бўладими, таътилдаги талаба ёшларми, ҳуллас, фураж-фурсати бор ҳар бир одам фермернинг, пахтакорнинг ёнида турса, унга ҳамдам, елкадош бўлса нур устига аъло нурдир. Зеро, бугун яратилаётган ҳосил эрта-индин улкан хирмонларга айланиб, юртимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамласа, саноат ишлаб чиқаришини, экспорт салоҳиятини кучайтирса, дас-турхонимизга фойза-барока киритса, бундан ҳар биримиз манфаатдор бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, август бошланди. Уни зарбдор меҳнат ойига айлантирайлик. Ана шунда тобора яқинлашаётган Истиқлол байрамини муносиб кутиб оламиз, ана шунда қўзда, хирмон тикланадиган кунларда юқимиз янада ёруғ, кўнглимиз янада тўқ бўлади.

Х.НЕМАНОВ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилаётган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Шўробга поезд келади

Хайробо темир йўли қурилиши бекати ишчилари Бойсун туманидаги Шўроб қишлоғи ҳудудида меҳнат қилмоқда. Қурилиш бекати бошлиғи Азамат Донаевнинг таъкидлашича, икки юз нафар темирйўлчи қисқа кунларда рельс ётқизиш ишларини якунлайди.



Хисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган Шўроб қишлоғида 150 дан ортиқ оила истикомат қилади. Дарбанд тарафдан баланд қоялар ва чўқур дара бўйлаб келётган темир йўл шўробликларнинг келажаққа бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

— Очиғи, қишлоғимизга темир йўл келишини тасаввур ҳам қилолмасдик, — дейди шўроблик нуруний Эгамберди Кодиров. — Юртбошимиз ғамхўрлиғи, бунёдкорлар шижоати билан қоя ва адирларни кесиб ўтаётган темир излардан ёшу кекса хайратдамиз. Бу йўллар нафақат қишлоқ ва туманимиз, балки мамлакатимиз ободлиғи, юрт фаровонлиғи, фарзандларимиз келажағи учун хизмат қилиши шубҳасиз.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Хуррам Мусурмонов бошлиқ 67-кўприк қурилиш отряди Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 17 та кўприкни фойдаланишга топширди. Деҳқонбод туманида баландлиғи 47 метр бўлган мураккаб конструкцияли Консой кўприғи ҳам отряд қурувчиларининг шижоати билан бунёд этилди.

Темир йўл қурилишида пўлат излар ётқизиш якунланган, объектни Термиз темир йўл масофаси корхонаси қабул қилиб олади. Айни пайтда корхона ходимлари рельслар ётқизилган участкаларни назоратдан ўтказмоқда. Бир йўла шағал тўқилади, йўл белгиларини ўрнатиш ва поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш чоралари қўйилаётган. Бу тадбирлар 223 километр масофага қўйилган янги темир изларда транспорт қатновини тезроқ йўлга қўйиш учун хизмат қилади.

Х.МАМАТРАЙМОВ,
(ЎЗА)

Ғўза ҳам фарзандингдек бўлиб қоларкан...

— дейди фермер Амир

Жойноқов

Амир аканинг одади шунақа: ҳар кун, қўш ётоғидан бош кўтармасдан даласига ошиқади.

Деҳқончиликнинг завқу шавқи шунда-да, — дейди фермер жўядаги пахта қаторларига тикилганча. — Чигит ерга тушган, ургунинг илк бор нишлаб, ёрни ёриб қишидан бир завқлансанг, мурғак ниҳолчалар қўшуқулоқ бўлганда кўзинг қувнайди. Сўнг чинбарг, улар ортидан ҳосил шохлари, шоналар ва гуллар пайдо бўлганда, биринчи қўсакни кўргангидея ўрагингдан қандай ҳис-туйғулар ўтишини эса ифода этиш қийин... Негаки, ғўза ҳам фарзандингдек бўлиб қоларкан. Шунинг учун йил ўн икки ой даладаман.

Дўстлик туманининг "Оқ олтин"

сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги "Исомбек" фермер ҳўжалиғи раҳбари Амир Жойноқовнинг бу сўзларини тинглаш эканмиз, "Бунча кўнчак бўлмаса бу одам", деган савол кечди, кўнглимиздан.

— Бу дунёда ёниб яшамасанг, кун ўтказишнинг ҳоҳати йўқ, — деган Амир ака дилимиздагини билгандек сўзлай бошлади. — Айни пайтда 40,2 гектар майдонда ғўза парваришляямиз. Ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишимиз керак. Бу — 136 тонна дегани. Ҳозир ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла. Сал ҳаяллаган киши кўп нарсадан ютқадади. Шу кунларда қилиниши лозим бўлган — ғўзани озиклантириш, уларни зараркунанда ва ҳашаротлардан асраш, қилиш, сўғориш каби ишларнинг барчаси бир-биридан муҳим. Биз чи-



Ҳосилга ҳосил қўшишда ҳал қилувчи палла

ритилган гўнни сув билан аралаштириб, шарбат бераёямиз. Бу кун фойда, ривожланишдан орқада қолган ғўзалар ривожини тезлатади, меъёрадаги ғўзалар ҳосилни қўпайтиради, толасини пиширтади, ҳатто, ерининг келаси йиллар учун ҳосилдорлигини ҳам кўтаради. Иккинчидан, намин узоқ муддат сақлайди. Энг муҳими, тунда ғўзаларнинг ҳосил тўплаш жараёни кучаяди.

Амир ака Жойноқов, ҳеч муболағасиз ҳақиқий меҳнат қилиши. Қўшни фермерлар даладарига етиб келгунча, у бир кунлик ишининг ярмини у-

далаб қўяди. Чунки, шундоққина пайкал четига уй қурган. Шунинг учун ҳам даласи яшаб туради. Дастурхонни тўқин, ҳурмати жойида. Кези келганда ёш фермерларга биланларини эринмай тушунтиради. Ғўза парваришини тажрибасига асосланиб олиб бораётганлиғи сабабли ҳар бир ғўзада ўртача 6-7 тадан қўсак, 8-9 тадан гул бор. Бу қўзланган даражада ҳосил тўпланаётганидан дарах беради.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Жиззах вилояти

Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган "Гулчехра" ширкат корхонасининг ўз фаолиятини бошлаганига бир неча йил бўлди. Меҳнатнинг касаначилик асосида ташкил этилиши корхонанинг изчил иш қилишига сабаб бўлди. Чунки, корхонада ишловчиларнинг асосий қисmini хотин-қизлар ташкил қилади.

Касаначилик бизга қўл келди

Шу сабаб уларга ҳам оила юмушларини, ҳам корхона ишини бажариши бир оз ноқулайлик туғдирарди. Ҳозирда корхона ўз ходимлари билан ишни касаначилик асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 10 дан ортиқ.

—Ишнинг бундай усулда ташкил этилиши корхона учун ҳам, ходимлар учун ҳам қўл келаяпти. Ўтган қисқа мавсумда корхонамизда иш салмоғининг икки ҳисса ортиши бун-

га яққол мисолдир. Ҳатто, келгусида иш ўринлари сонини қўпайтириш зарурати туғилаётгани фикримизнинг яққол далилидир, — дейди корхона раҳбари Асрор Назаров.

Шу мақсадда "Микрокредитбанк"нинг ту-

дейишмоқда шу асосда фаолият олиб бораётган шифирконлик бир гуруҳ хотин-қизлар



ман бўлимидан корхонамиз учун 12 миллион сўм миқдорда кредит олишни режалаштираямиз. Бу маблағга янги тикув дастгоҳлари сотиб олиб, фаолиятимизни янада кенгайтираимиз.

Ҳамроз АЛИ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СУРАТДА: корхонанинг касаначи-тикувчиси Нордона Шодиева.

Бухоро вилояти

ЧОРВАЧИЛИК:

ЮТУҚ ҲАМ БОР, МУАММОЛАР ҲАМ

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигидаги сардаромад соҳаларидан бири ҳисобланадиган чорвачилик ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Соҳани ривожлантириш учун биринчи навбатда, озука базасини мустаҳкамлаш, чорва наслини яхшилаш, наслдор молларни қўпайтириш ва уларни республикамиз шароитига мослаштириш вазифаси қўйилмоқда.

Бу борадаги амалий ҳаракатлар учун Президентимиз томонидан Ўтган йили қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда республикамизда жами 42795 та чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжа-

ликлари бўлиб, бу жами фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжаликларининг 5 фоизини ташкил этади. Уларда 511,3 минг чорва моллари мавжуд.

Ўтган давр мобайнида ушбу қарорнинг ижроси натижасида аҳоли ва фермер ҳўжаликларида хизмат қилиш учун 279 та зооветеринария пунктлари,

119 та сунъий қочирини пунктлари, 126 та қушхона ва 241 та молларни сўйиш майдончалари ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, соҳада ҳамон баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва моллари учун озука базаси етарли даражада эмас. Бугунги кунда чорвадор фермер ҳўжаликларидаги озука экин майдонлари 131,9 минг гектарни ташкил этиб, бу бир шартли қорамолга 0,26

гектар сўғориладиган ер майдони тўри келади.

Ана шунингдек, хориждан келтирилган чорва молларини сақлаш, наслчилик ишларини таъминлаштириш, мавжуд молларнинг махсуддорлигини ошириш ҳам чорвадорлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Кучи кеча Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмасида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳусусида гапирилди. Соҳа мутахассислари, масъуллар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан иштирок этган чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг фикр ва мулоҳазалари тингланди. Ўзаро тажрибалар алмашинди.

Соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Анвар ҚУЛМУРОВОВ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмасида фермер ҳўжаликларига четдан олиб келинаётган наслили чорва молларини парваришлаш ва наслчилик ишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон шаҳрида "Экосан" халқаро таъкилотини, Ўзбекистон Табиғий муҳофазат қилиш давлат қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида истиқлолнинг 16 йиллиғига бағишланган "Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиғи" ширини остида экофестивал ўтказилди.

Самарқанд туманида мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт қилишга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Самарқанд туманидаги "Алломиш" соғломлаштириш оромгоҳида "Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиғи" мавзусида экофестивал бўлиб ўтди.

Булунгур тумани марказида 540 ўринли педагогика ва спорт касбухона коллежи фойдаланишга топширилди.

Мирзаобод туманидаги "Мирзабў", "Деҳқонбод", "Навбахор" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида электрон рақамли замонавий АТС ишга туширилди.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамкорлигида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган форум ўтказилди.

Наманганда кардиология ва кардиожаррохликнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика семинар-мактаби ўз ишини бошлади.

Янгиқўрғон тумани Қайроқ қишлоғида жойлашган қишлоқ аралчилик пункти жамоасининг қишлоқ фуқаролар йиғини билан самарали ҳамкорлиғи ва аҳоли ўртасида олиб борилаётган даволаш-профилактика ишлари ихоби натижалар бермоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимининг ушбу бирламчи бўғини эришган муваффақиятлари учун вилоятда энг яхши қишлоқ врачлик пункти деб топилди ва махсус жиҳозланган "Дамас" автомобилари билан мукофотланди.

Сўз ҳуқуқи қатъий

Ёки масалага ойдинлик киритиш учун яна суд бўладими?

Маълумки, айни пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли қишлоқ ҳўжалигида фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Бевоқиф Президентимиз раҳбарлигида паст рентабелли ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, улар тасарруфидаги ер майдонлари танлов асосида фермер ҳўжаликларига берилиши энг тўғри йўл эканлигини бугунги жараёнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Албатта, ернинг ҳақиқий эгаларига топширилиши бевоқифа амалга оширилган тендер танловларининг ошқора, адолатли ва ҳолис ўтказилганлигига боғлиқ.

Тахриратимизга шикоят хати йўллаган гурланлик Мадамин Ражабов ҳам мана шундай ҳолатлар юзасидан арз билдиради.

2005 йилнинг охирида Гурлан туманидаги "Вазир" ширкат ҳўжалиги тугатилиб, ёппасига фермер ҳўжаликлари айланттириш жараёни бошланди. Табиийки, бунда қўлаб фуқаролар талабгорлик қилади. Фермер бўлишни ихтиёр этиб, комиссияга ҳужжатлар топшира бошлашади. Талабгорлар орасида аризагўйининг ўқиси Жумабой Ражабов ҳам бор эди. У 2005 йилнинг 20 ноябрида фермер бўлишни мақсад қилиб, ер майдони 37,5 гектар, экин майдони 36,5 гектар бўлган 15-лоийхага талабгор бўлади. Лекин ўша йилнинг 25 декабрида ўтказилган танловда у маълумоти махсус ўрта. 19 йилдан бун кийлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлаб келаётгани, "Москвич-412" энгил автомашинаси, прицепи билан Т-284 русумли трактори бўлса-да, паст балл ўтлаб, танловнинг иккинчи босқичига ўтолмайди. Ўша лойиҳага талабгорлардан яна бири эса Умидхон Холлиев бўлган. М.Ражабовнинг ёзишча, айнан У. Холлиев комиссиянинг ноҳилисиди билан тендерда қўлаб кўлга киритган.

Ҳўш, ҳақиқатан ҳам бу ерда гаирқонунийликка йўл қўйилганми? М. Ражабовнинг шикоят ҳақиқатга қанчалик яқин? Бу саволларга биз Шовот туманлараро судининг 2006 йил 21 августда шу ҳолат юзасидан чиқарган ҳал қилувчи қароридан жавоб топамиз ва масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳал қилувчи қарордан айрим иқтибослар келтириб ўтамиз.

"Вазир" ширкат ҳўжалигининг 15-лоийхаси бўйича ўтказилган танловнинг биринчи босқичидаги қўлабни аниқлашда танлов комиссияси то-

ничи ютиб олганлиги акс этиб туради-да. Хайрон қолсан киши. Наҳотки, ер ҳам турган жойида қамайиб кетиши ёки қангайиб қолиш хусусиятига эга бўлса?

Ҳуллас, суд мана шундай қамчилик ва қўсурларга асосланган ҳолда Гурлан тумани "Вазир" ширкат ҳўжалигини тугатиб, унинг негизиди фермер ҳўжаликлари ташкил қилиш бўйича ўтказилган танловда комиссия томонидан қўнунбузилишларга йўл қўйилган, деб топиб комиссиянинг 2005 йил 25 декабридаги 9-сонли баённомаси ва шу баённомани тасдиқлаш тўғрисидаги Гурлан тумани ҳўкимининг 2007 йил 17 январдаги 16-сонли қарорининг Холлиев Умидхонга тегишли қисмини бекор қилишни лозим толади ва шу маънада қарор чиқаради.

Бир қарашда шу билан адолат қарор тоғандек туюлади. Аммо "Улган тек турмас" деганларидек, Умидхон Холлиев ФИБ Шовот туманлараро судининг 2006 йил 21 августдаги ҳал қилувчи қароридан норози бўлиб, ФИБ вилот судига ариза ёзади. Апелляция тартибидида шикоятни қўраётган судья А. Худайберганаовнинг маърузасида шундай фикрлар берилган: "Биринчи босқич суди томонидан даъвогарлар томонидан ширкат ҳўжалигини тугатиб, унинг негизиди фермер ҳўжаликлари қайта ташкил қилиш комиссиясига нисбатан унинг қарорини бекор қилиш ва қайтадан танлов ўтказиш ҳақидаги даъво талаби юзасидан даъво талабларини қаноатлантиришда барвақт хулосага келинган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вуқудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 3-сонли қарорининг 20-банди 2-қисмига кўра, фермер ҳўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича комиссия юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг қарори, ҳатто, ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят берилмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ушбу қонун талаблари амалда татбиқ қилинган ҳолда, даъво талабининг шу қисми судга таал-

луқли бўлмаганлиги сабабли ЎзРФПК 100-моддаси 1-қисмига кўра, тугатилиши лозим. Биринчи босқич судида даъвогарлар томонидан Гурлан тумани ҳўкимининг 2006 йил 17 январдаги 16-сонли қарорининг Холлиев Умидхонга нисбатан бўлган қисмини бекор қилиш ҳақида даъво талаби бўлмасдан туриб, ушбу қарорнинг бекор қилинганлиги ҳолати билан апелляция судлов ҳайъати келишмайди.

Демак, даъвогар Ж.Ражабовнинг адвокати Ш.Нурматовнинг оқоридиганлари билмаганлиги ёки "танлов ўтказиш бўйича комиссиянинг", деган сўзнинг урнига "Гурлан тумани ҳўкимининг 2006 йил 17 январдаги 16-сонли қарорини", деган жумлани ёзмагани учун ФИБ Шовот туманлараро судининг танлов комиссиясининг нотўғри ҳаракатлари ҳақидаги қарори бекор қилинди. Суд хулосаси билан бахslash-майми. Лекин баъзи мулоҳазалар тўғрисида қилишда. Ахир бу ерда даъвонинг моҳияти ўзгаргани йўқ-ку? Бунинг устига шу комиссиянинг хулосаси ҳўким қарорига асос бўлган-ку? Суд иши қўрилиши жараёнида даъвогар ёки жавобгар томонларнинг билмаслиги оқибатида йўл қўйилган хато битиклар суд жараёнида қўшимча аризалар орқали тўғриланиб келинганлигини кўп қўзғатганимиз. Даъвогар гаранд ҳўқуқий билими қамлиги учун асосий жавобгарни қайт этмаса-да, танловнинг яқини хулосасини бекор қилишни сўраганлигининг ўзи даъвои шу яқини хулоса асасан идорага қаратилишига ҳеч бўлмаса туртки бўлмайди?

Демак, жавобгарнинг туман ҳўкимини эканлиги қўрсатилиб, ариза қайта ёзилиб, иш қайтадан қўрилса, даъвогар яна ҳақ бўлиб чиқади. Бу орқича жараён нега керак — бунди биз билмадик. Экин-тикин ишда эса вақт олтинга тенг.

Англаганингиздек, биз мақолани ёзишда кўпроқ ФИБ Шовот туманлараро ва вилот судлари қарор ва ажримларидаги хулосаларига таяндик, ҳолос. Нима бўлган тақдирда бизнинг ниятимиз воқеликни ҳолислик билан етказиш.

Холмурод ҚўРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Хоразм вилоти

YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

Асирлар тақдири



гумон

Афғонистонда Толибон ҳаракати томонидан гаровга олинган Жанубий Корея фуқаролари тақдири номаълумлигига қўлмоқда.

Манилада расмий Ва- шингтон ва Сеул делегацияси ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Жанубий Корея ва АҚШ вакиллари гаровдагиларни озод этишда жанговар амалиёт қўлламаслика келишиб олишди. Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Сон Мин Сун мавжуд вазиятнинг тинч йўл билан, бироқ жангариларга ён босмаган ҳолда ҳал этиш лозимлигини айтиб ўтди.

19 июль куни Фазна вилотида асир олинган 23 нафар корейликдан икки нафари қатл этилган. Толибонлар тез кун ичида Афғонистондан Жанубий Корея ҳарбийлари олиб чиқилмаса ва қамқончалардаги шериклари озод этилмаса, гаровдагиларнинг барчаси қатл этилишини маълум қилишмоқда.



100 минг фонзиллик инфляция

Зимбабве давлатининг иқтисоди тиклаб бўлмас инфляция эканлиги қўриб қолди.

Халқаро валюта фондидининг Африка бўйича департаменти маълумоти кўра, Зимбабведа айтилган даъво инфляция микдори 4500 фонзиллик ташкил этмоқда. Агар вазият шу даражада кетаверса, 2007 йил охирига қадар 100 минг фонзиллик инфляцияга етиши мумкин.

Нарх-навоининг ошши қўрсаткичи эса йил охирига қадар 15 минг фонзиллик бўлиши тахмин қилинмоқда. Мутахассислар фикрича, Зимбабве иқтисодиётидаги бу ҳолга мамлакатда кенган узоқ йиллик жанглар, авх олиб бораётган коррупция ва узоқ давом этаётган ҳуқуқчилик сабаб бўлмоқда.

Буюк Британиянинг йирик авиакомпанияларидан British Airways 543 миллион АҚШ доллари микдоридида жаримага тортилди.



Американинг Virgin Atlantic авиакомпанияси билан тил бириктирган ҳолда British Airways 2004-2006 йиллар оралиғида

Ироқдаги суннийларнинг энг йирик сийёсий иттифоқларидан бири "Келишув fronti" ҳукумат таркибидан чиқишини маълум қилди.

Ироқда таранг вазият

Бу хабар мамлакатдаги мазҳаблар ўртасида ўзаро келишувлар ўрнатилишига қаратилган ҳаракатга жиддий зарба бериши мумкин. Ушбу фронт Ироқ парламентидаги 275 ўриндан 44 тасига эгалик қилади. Мутахассислар фикрича, бу иттифоқ ҳукумат таркибидан чиқиб кетар экан, миллий бирликка бўлган интилишлар пугча қилиб, мамлакатда шундоқ ҳам авх олиб бораётган мазҳаблараро тўқнашулар алангаланиб кетиши мумкин.

Утган кун ишлар истикомат қилувчи Қаррада туманида амалга оширилган қўрқувчилик 17 нафар



Осмондаги фирибгарликлар

Йўловчи чипталари нархини ноқонуний равишда ошириб келган. АҚШ Адлия вазирлиги маълумоти кўра, авиакомпания йўналиш масофасига биноан йўловчилардан 10 доллардан 120 долларгача орқича ҳақ олишгани текширилганда фош бўлган.

Sky News хабар қилишича, бундан жабр кўрган йўловчиларга тоовон пули тўлаш масаласи қўриб чиқилмоқда.

Фожиада ким айбдор

Американинг Миссисипи дарёси устидан ўтган кўпригининг бир қисми қулаб тушди.

Воқеа эрта тонгда автомобиллар қатнови тигиз бўлган вақтда юз берган. 50 дан зиёд автомобиль, жумладан болалар автобуси дарёга тушиб кетган. Оқибатда, 7 нафар одам ҳалок бўлган. Миннеаполис шаҳрида юз берган бу фожиани ўрганиб чиққан мутахассислар фикрича, кўприкнинг қулаб тушишига ҳайдовчиларнинг ўзлари сабабчи бўлишган. Чунки, кўприкда таъмирлаш ишлари кетаётганлиги сабабли айрим ҳаракатланган йўлақчилар ёпиб қўйилган. Бироқ манзилга тезроқ етиб олишни истаган ҳайдовчилар таққиланган йўлақчилардан автомобилларини бошқараверишган.



Абадий музликлар қаърига саёҳат

Россиялик океанавтлар дунёда илк бор чуқурликка шўнғиш бўйича рекорд ўрнатди.

Россиянинг иккита "Мир" ва "Мир-1" батискафи Шимолий Муз океанининг 4261 метрлик чуқурлигига шўнғиш олди. "Мир" сувоети кемаси бортида профессор-океонолог Анатолий Сагалевич ва Артур Члингаров бўлган. Иккинчи батискафни эса россиялик, австралиялик қўбшунослар Евгений Черняев

ҳамда Майк Макдауэлл бошқарган. Улардан ташқари, "Мир-1"да швейцариялик миллионер Фредерик Паулсен уммон қаърига саёҳат қилган. Бунинг учун у 3 миллион долларнинг баҳридан кенган.


Мутахассисларнинг фикрича, россиялик уммоншўносларнинг бу ютуғи ҳақиқатда шов-шувлидир. Чунки, уммоннинг бундай чуқурлигига шўнғиш Ойга парвоз этишдан да мушқулроқдир.



Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Шермат САНАЕВ тайёрлаган.

"Кўзаси синган" майфурушлар

Давлат божхона қўмитаси ходимлари ички бозорни контрабанда маҳсулотлардан ҳимоя қилиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.



Яқинда Бухоро вилоти божхона бошқармаси ходимлари қиймати қарийб 500 минг сўмни ташкил этувчи қўлбола усулда тайёрланган 500 шишага яқин ароқ маҳсулотларини ноқонуний айланишига чек қўйишди.

Республикаимиз фуқароси Тоиров қўлбола усулда тайёрланган ва қалбаки акциз марка ёпиштирилган ҳар хил номдаги ароқларни Қорақалпоғистонга олиб кетаётган чоғида тўхтатиб қолинди. Ушбу ароқлар экспертизадан ўтказилганда, улар давлат стандартига мувофиқ жавоб бермаслиги аниқланди.

Андижон вилоти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ўтказган тадбирлар давомида "Нексия" русумли автомашинани текширишганда, унда республикаимиз фуқароси Моҳидил Жўраева 400 литрга яқин спирт маҳсулотини ноқонуний равишда Избоскан туманида жойлашган қўлбола ароқ тайёрланувчи ҳонадонга олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Шу каби яна бир қонунбузарлик ҳолати Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан аниқланди. "Москвич-Ташкент" йўналиши бўйича ўчиб келган республикаимиз фуқароси Гурган Саркисов божхона назоратидан ўтказилганда ушбу шахс божхона баённомасида кўрсатилмаган қиймати қарийб 4 миллион сўмлик, Ўзбекистон Республикаси акция марказлари билан тағамланмаган кўп микдордаги спиртли ичимликларни юртимизга олиб қирмоқчи бўлганлиги маълум бўлди.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида божхона ходимлари томонидан ҳам 542 та ҳолатда қарийб 54 минг литр спирт ва алкогольли маҳсулотларни юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олди олинди.

Эркабоевнинг «эрка»лиги ўтмади

Наманган вилоти божхоначилари республикаимиз фуқароси Фозилжон Эркабоев бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашинани божхона назоратидан ўтказиш чоғида кўп микдордаги тамаки маҳсулотлари контрабандасининг олдини олишди.



Ушбу шахс Ўзбекистон Республикаси акциз марказлари билан тағамланмаган, қиймати 4,5 миллион сўмлик, қарийб 9 минг дона тамаки маҳсулотларини юртимизга айланма йўллар орқали майда партияларда олиб кириб, хуфёна тарзда Тошкент шаҳрига олиб боришни мўлжаллаган экан.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолат қашқадарёлик божхоначилар томонидан аниқланди. Даврон Очилдиев бошқарувидаги автобус божхона назоратидан ўтказилганда, унда божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган, юртимизга айланма йўллар орқали оз-оз микдорда олиб қирилган қиймати қарийб 2,5 миллион сўмлик 4 минг қўти тамаки маҳсулотлари ноқонуний равишда Сурхондарёга олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида божхона ходимлари томонидан ҳам 232 та ҳолатда 286 минг қўтидан зиёд тамаки маҳсулотларини юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олди олинди.

Хозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Нурбек САЛОМОВ,
ДБК Матбуот хизмати ходими.



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз темир йўллар тизими тубдан ривожланди. Қўлаб янги пўлат излар барпо этилди. Ҳақли равишда аср қурилиши деб баҳоланаётган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўлидаги бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Ой сайин, кун сайин янги-янги бекатлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Фидойи темир йўчилар эса юк ва йўловчи ташвиш борасида юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

СУРАТДА: пешқадим темир йўлчилардан бир гуруҳи.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган ўн олти йил давомида қўлга киритилган ютуқларни бир туман, унинг кичик ҳудуди — қишлоқ фуқаролар ййғини мисолида кўрсатиб беришга жазм этганлигимиз бежиз эмас. Зеро, томчида денгиз, катрада кўёш акс этганидек, мамлакатимизда ҳар жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар Ватанимизнинг ажралмас гўшаси бўлган ҳар бир ҳудудда, хусусан, Ромитан туманида, шу ном билан аталувчи қишлоқ фуқаролар ййғини ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Қарийб саккиз йил илгари туман бўйича тўлиғича фермерликка ўтилганлиги, кейинги олти йилда қишлоқ ҳўжалиги ҳам аёси ва бошқа маҳаллий ресурсларни қайта ишлайдиган ўндан зиёд корхоналар ишга туширилганлиги иқтисодиётни ривожлантиришда фойда ахиямат касб этди. Моддий негиз, яъни пойдевор мустаҳкам бўлиб бораётганлиги эса таълим, тиббий хизмат кўрсатиш ва шу сингари бошқа соҳаларни тараққий эттириш, маданий-маиший жабҳаларни раванқ топтириш, энг асосийси аҳолини ижтимоий ҳаётдан муҳофаза қилиш имконини бермоқда.

Республикаимизнинг бошқа жойларида бўлган каби Ромитан туманида ҳам аҳолининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис, уларнинг таълим-тарбияси, касбухона ўрганиши, замон талабларига жавоб берадиган инсон бўлиб қамолга етиши доимо диққат марказида бўлиб келмоқда. Тумандаги 45 та умумтаълим мактаблари ва гимназияларда, шунингдек, саноат, агроиқтисод, қишлоқ ҳўжалиги, маиший хизмат коллежларида икки мингдан зиёд ўқувчилар 25 мингдан орқик ёшларга таълим-тарбия бермоқдалар. Мактабларнинг аксарияти кейинги йилларда қайта қурилади, зарур орғтехника воситалари билан таъминланди. Ҳозирги



Янги ўқув маскани

налади. Ёшлар маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига меҳр қўйиб, замонавий воситалардан фойдаланишга сидуқидил ёндашмоқдалар.

Инсон кўзлаган режасини тўла-тўқис амалга ошириши, оруз қилган эзгу ниятларига етиши учун, энг аввало, соғлом бўлиши зарур. Икки киши учрашганда калом авваллида бир-бирига сикхат-саломатлик тилаш бежиз эмас. Ромитан туманида бу борада рўёбга чиқарилаётган савий-ҳаракатлар ҳам эътиборга молиқ. Ҳозирги пайтда 335 нафар бе-моров доволанадиган ўрта шифохона, 33 та амбулатория-поликленика, шу жумладан, қишлоқ ҳақимлик масканлари, ташқиш маркази ва бошқа муассасаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатилаётди. 1400 нафардан зиёд медицина ходимлари ромитарликлар сикхат-саломатлиги ҳақида қайғурмоқдалар.

Ромитан қишлоқ фуқаролар ййғини ҳудудининг "Тарнаут" маҳалласидаги қишлоқ ҳақимлик маскани замонавий усулда барпо этилган

хизматга тайёрлаш каби масалаларга ҳам эътибор қучайтири-лаётганлиги яққол сезилиб турди. Туман муҳофаа ишлари бўлими ва республикаимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, йиғитлик бур-чени адо этаётган ёшлар билан ота-оналарнинг учрашу-ларини ташкил қилиш ҳамда шу каби тадбирлар ҳам бундан далолат беради.

Ёшларимиз мустақил Ўзбекистонда сadoқат билан хизмат қилиш, ҳизматга тайёрлаш каби масалаларга ҳам эътибор қучайтири-лаётганлиги яққол сезилиб турди. Туман муҳофаа ишлари бўлими ва республикаимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, йиғитлик бур-чени адо этаётган ёшлар билан ота-оналарнинг учрашу-ларини ташкил қилиш ҳамда шу каби тадбирлар ҳам бундан далолат беради.

Ёшларимиз мустақил Ўзбекистонда сadoқат билан хизмат қилиш, ҳизматга тайёрлаш каби масалаларга ҳам эътибор қучайтири-лаётганлиги яққол сезилиб турди. Туман муҳофаа ишлари бўлими ва республикаимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, йиғитлик бур-чени адо этаётган ёшлар билан ота-оналарнинг учрашу-ларини ташкил қилиш ҳамда шу каби тадбирлар ҳам бундан далолат беради.

унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш руҳида тарбияланмоқдалар, — дейди Ромитан тумани муҳофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғи Эркин Қобилов. Шу ўринда бир неча мисол келтириш жоиз. Назаробод қишлоғи Баҳодир ва Бобур Солиев олдинма кейин Жиззахда Йиғитлик бурчаларини ўтадилар. Уларда ҳарбий соҳага қизиқиш катта бўлганлиги боис шу жабҳада доимий хизмат кўрсатишга аҳд қилишди.

Мамлакатимиздаги барча ўзгар-ишларни биз сўз юритган Ромитан тумани ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Қадимда бу заминнинг ажойиб табиати, ўзига хослигини ҳисобга олган зук-ко кишилар унга Оромитан, яъни танга ором бағишловчи, дея ном беришган. Шоирлар шу ҳақда аш-орлар битишган. Истиклол йилларида ушбу ҳудуд янада обод бўлиб, унинг ҳусну таровати гўзал



киёфа касб этиб бормоқда. Суннат САЙДАЛИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.
Бухоро вилоти

Ҳақим ҚўРБОНОВ олган суратлар.

Республикаимиз фермер хўжаликларини келгуси йили сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш мақсадида уруғлик пахта учун экилган майдонларда ҳар йили апробация – танлов ўтказилади. Бу тадбир ҳар бир минтақанинг табиий-иклим шароитидан келиб чиқилган ҳолда 5 августдан бошланиб, кечи билан 20 августгача тугатилиши зарур.

Апробация ўтказиш учун районлашган гўза навларининг биринчи, иккинчи, учинчи ҳамда агар уруғлик тайёрлаш режасини қоплайдиган даражага етишмаса, тўртинчи репродукцияли уруғлик майдонлари ҳам танлаб олинади.

Шу билан биргаликда, янги гўза навларининг барча уруғлик майдонлари апробациядан ўтказилади. Бундай ҳолатта одатда навинг иккинчи, ҳали уруғи кам бўлган, янги нав билан биринчи йили алмаштириш жараёнида йўл берилди. Бундай ҳолда, янги навинг ҳамма ўсимликлари репродукциясидан қатъи назар, уруғлик ҳисобланади ва уларда апробация ўтказилади. Бунда кам ҳосил, сувдан чанқатиб қўйилган, вилт, гоммоз ҳамда бошқа касаллик ва зараркундалар билан зарарланган пахта майдонлари, икки ва ундан ортиқ нав эккан хўжаликлар уруғлик майдонлари яроқсиз ҳисобланиб, улар уруғлик пахта тайёрлашдан чиқариб юборилади.

Республикаимизда ҳар йили ҳамма пахта майдонларининг 200 минг гектардан кўпроқ энг яхши далалари уруғлик учун танлаб олинади ва апробация ишларида қўйилади. Бу тадбир жараёнида навларнинг элита ҳамда авлоди экилган майдонларида навинг ҳақиқий тозаллиги – наводорлиги, нав аралашмалари, ўсимликларнинг касаллик ва зараркундалар билан зарарланганлик даражаси ҳамда кутлаётган умумий пахта ҳосили, шу жумладан уруғлик пахта микдори ва ундан олиниши кутлаётган чигит микдори ҳам аниқланади.

Гўза апробациясини ўш муддатидида сифатли ўтказиш ҳамда уруғлик пахта тайёрлаш ишлари билан боғлиқ барча масъулиятли вазифалар Гўза уруғчилиги республика маркази, "Ўздавуруғназоратмарказ" ва уларнинг вилотлардаги бўлимлари ҳамда вилотлар "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмалари раҳбарлари зиммасида бўлади.

Жойларда апробацияга бошчилик қилишга туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош агрономи ёки катта агроном ёхуд вилот ўсимликларини ҳимоя қилиш бирлашмаси тизимидан мутахассис жалб этилади.

Апробациянинг белгиланган тартибда ўтказилишини назорат қилиш мақсадида, туманлар бўйича агроном-инспекторлар ҳам белгиланиб, улар юқорида номлари қайд этил-

хисоба олиши, агар гўза нави, репродукцияси ёки наводорлиги орасида фарқ бўлса, бу ҳақда дарҳол катта апробаторга хабар бериши зарур. Иккинчидан, яхши, тоза далалари танлаш учун апробация қилинадиган барча пайкаллар қўриб чиқилади. Бошқа нав чигити ёки шу навинг бошқа репродукцияси экилган камҳосил ва зараркундалар ҳамда касалликлар билан қучли зарарланган далалари яроқсизга чиқарилади.

Учинчидан, апробация қилинган барча майдонларда (камҳосил, чанқатиб қўйилган, наводорлиги пастлиги сабабли уруғлик тайёрлашга яроқсиз, деб топилган майдонлардан ташқари) гўзаларнинг вертикал-лэз ёки фузариоз вилт ва гоммоз билан зарарланганлик даражаси

катордан 100 туп бир хил ривожланган ўсимлик қўриб чиқилади. Бунда касалланган ҳамда айришох гўзалар ҳисобдан чиқариб юборилади. Ҳузаанинг наводорлигини аниқлашда унинг морфологик белгилари – гўза баргининг катта-кичиклиги, шакли, ранги, бош пояннинг баландлиги, ранги, тўқилиги, қўсақларнинг катта-кичиклиги, шакли, юзасининг силлиқлиги, тумшукчагининг шакли ва бошқа хусусиятлар ҳисоба олинади.

Ингичка толали гўза навларида юқорида кўрсатилган белгилардан ташқари, гүлтоғибаргининг ранги ва ундаги антоциан доғининг бўлиши ҳам ҳисоба олинади.

Натихалар апробация далолатномаларини тузиш билан расмийлаштирилади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, пахта тозалаш корхоналари ва пахта уруғчилиги лабораториялари дала апробацияси тўғрисида тузилган далолатномалар (2-3 шакллар) асосида апробация натижалари ҳақида ҳисобот тузадилар ва бу иш якунланганда кейин уч кун ичида бу ҳужжатни вилот қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этадилар. Вилотлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари "Вилотуруғназоратмарказ", гўза уруғчилиги ва "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмалари билан биргаликда дала апробацияси натижасига кўра пахта тозалаш корхоналарида уруғлик пахта ва чигит тайёрлаш режасини гўза навлари ва репродукциялари бўйича тайёрлайди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги дала апробацияси натижалари асосида ҳамда "Ўздавуруғназоратмарказ"нинг дала-тупроқ назорати лабораториясидан олинган маълумотларни ҳисоба олган ҳолда гўзанинг наводорлик даражасини тасдиқлайди ҳамда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси билан биргаликда, уруғлик пахта ва чигит режасини белгилайди ва уни гўза навлари ҳамда репродукциялари бўйича белгиланган тартибда барча вилотлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, "Пахтасаноат" ва гўза уруғчилиги бирлашмаларига етказиб беради. Улар ўз навабтида, ҳар бир туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг пахта уруғчилиги лабораториялари, пахта қабул қилиш пунктлари ҳамда фермер хўжаликлари пахта тайёрлаш режасини етказадилар.

А.АШИРҚУЛОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Гўза уруғчилиги республика маркази бош мутахассиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.
Н.СОЛИХҲАЕВ,
марказ бош мутахассиси

Уруғлик пахта парвариши:

Апробация масъулияти

салликлар билан зарарланганлик даражасини аниқлаш учун намуналарнинг тўғри қўйилганлигини, апробация далолатномалари, дала журналлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва улар ўз вақтида тўлдирилиб, вилотлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига етказиб берилиши чораларини қўришлари, бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган барча мунозарали масалаларни ўз вақтида ҳал этишлари зарур. Агроном-инспекторлар пахта тозалаш корхоналари ва ҳам ашени қабул қилиш пунктларида уруғлик пахтини навлар, репродукциялар, наводорлик ва дала гуруҳлари бўйича алоҳида қабул қилиниб, ҳамда сақлашга тайёргарлигини ҳам текшириб чиқишлари керак.

Уруғлик талаб даражасида бўлиши учун серхосил, наводорлиги юқори далалари танлаб олиш агроном-апробаторнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу боис у, биринчидан, барча фермер хўжаликларидида экилган ҳамда сарфланган уруғлик чигит тўғрисидаги ҳужжатларнинг мавжудлигини, улар бўйича селекция нав, репродукцияси ҳамда наводорлиги ҳақидаги маълумотларни апробация режаси билан таққослаб, мос келишини аниқлаши, қайта ёки йўқ жойига экилган бўлса, улар учун сарфланган уруғлик чигит микдорини ҳам

аниқланади.

Ўсимликлар гоммоз билан зарарланган бўлса, умумий ҳолат ҳамда ҳосил элементлари бўйича алоҳида-алоҳида фоиз ҳисобида аниқланади.

Ҳузаанинг гоммоз билан зарарланганлик даражаси қуйидаги усулда аниқланади:

– элита ва биринчи репродукцияли уруғлик экилган майдонларда вилт ва гоммоз билан зарарланганлик шахмат усулида намуналар олиш йўли қўлланилади. Бунинг учун бир

Мутахассис минбари

гектардаги 10 та ўсимликдан иборат 10 та намуна олинади.

– иккинчи ва ундан кейинги репродукциялар экилган майдонларнинг ҳар бир гектаридан 10 та ўсимликдан иборат битта намуна олинади.

Ҳузаанинг вилт, гоммоз ва бошқа касалликлар билан зарарланган даражаси намунадаги барча ўсимликларда ҳисоба олинади. Ҳосил элементларининг гоммоз билан зарарланганлик даражаси ҳар қайси намунадаги охириги икки туп ўсимликдаги соғлом ва зарарланганларини санаб чиқиш йўли билан аниқланади.

Ҳузаларнинг вертикал-лэз, фузариоз вилт ва гоммоз касалликларидан қай даражада зарарланганлиги қараб, апробация ўтказиладиган даладан икки гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳга вертикал-лэз вилт ва

Х асрда Хоразмга келган савдогар Муқаддасий "Бу ерда узум, кўлаб майиз, қандолат, кунжут, йўл-йўл матоддан тикилган кийимлар, гиламлар, ранг-баранг кийимлар, факат қучли одамлар фойдаланиши мумкин бўлган ўк-ёйлар, махсус пишлоқлар етиштирилади ва бозорларида сотилади" дея ёзган бўлса, Ёқут Ҳамавий шундай деб кўрганларини асарига битган: "Мен Хоразмга 1219-1220 йили борганман, ерлари ёмон ва шўро бўлишига қарамай жуда обод қилиб юборилган, бинолари бир-бирига туташган, қишлоқлари бир-бирига яқин ва уйлари кўп. Хоразмда бозори бўлмаган қишлоқни учратишингиз жуда қийин. Уйлашимча, ер юзидида Хоразмдек кенг ва аҳолиси кўп жой бўлмаса керак. Шу билан бирга, у ерда тўлиқ тинчлик-хотир-жамлик, ҳукм суради. У ерда мен маъмурлик ва тўқинлиқни кўрдим, ҳар қандай камбағал кишининг ҳам овқати бойниқидан фарқ қилмайди".

Мулла Бекчон Раҳмон ва Муҳаммад Юсуф Левонзоданинг "Хоразм мусийқ тарихи" китобидаги бир фикрга кўра, кўҳна Урганч шаҳрининг бозоридида "Дутор сози-на эшак (хоррот) йўниб сотиб, ўнгишқиларини шул хунарлари билди ўтқарадурган кишиларнинг микдори бир мингга етишадур экан".

Бу аҳолиси бир ярим мил-

Хоразмнинг қадим бозорлари

лион киши бўлган кўҳна Урганч учун одатий ҳол эди. Хусусан, шовотлик Ниёз Муҳаммаднинг ўша даврга оид "Таърифи шаҳри Хоразм-асари-дам Хоразмнинг барча қалъа, масжид, минора, қарвон саройлари, хусусан бозорлари ва ундаги дўконлари ҳақида кўлаб маълумотлар бор.

Афсуски, ана шундай минглаб дўконлардан иборат тўқин-сочин бозорлари бор Хоразм 1221 йил Чингизхон босқини сабаб вайронга айланади. Аммо меҳнатсевар хоразмликлар тезда ана ўз қадларини тиклаб оладилар. Хусусан Амин Розий, Махмуд ибн Вали, Муҳаммад Тоҳир каби XVI, XVII асрда ўлкага келган сайёҳлар Хоразмнинг доғруғи яна дунёга дoston эканини ўз асарларида қайд этганлар. "Ақойибот табокат" номли китоб муаллифи бўлган Муҳаммад Тоҳир "Хоразм катта мамлакат, бешинчи иқлимдан, кўлаб шаҳарлари ва бехисоб қишлоқлари бор. Бозорлари обод. Даромади дон-дун ва мева ҳисобидан, ҳосил яхши бўлади, айниқса, Хоразм қовуна-ри мазалидур", дея хайратчи-



ни асарига қайд қилганди. Махаллий муаллифлардан Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивақийнинг "Дили Фаройид" асаридида кўлаб соҳаларга оид маълумотлар учрайди. У айнан бозорлар хусусида тўхталиб қизиқарли воқеаларни келтиради. Унга кўра, "Хиванинг бозори тахминан 5-6 таноб майдонини эгаллаган ва шаҳарнинг шарқий тарафидида жойлашган қўла ҳисобига кенгайтирилган. 1831 йили хон Фармонига кўра, Хива аҳли 45 кун ичида уни тупроқ билан тўлдириб, текислаган ва у ерда бозор бунёд этилган. Нарироқда илгари катта чорбоқ бўлиб, у ерда ҳашаматли қишқин парчалари билан қопланган қасрлар-подшоҳларнинг қароргоҳи бўлган ва чорбоғда ҳар нав мевали ва манзарали дархатлар бўларди. Эндиликда булардан фақат битта гуҷум қолган ҳолос, у ҳам қўриб қолган. Илгари унинг тағида дон бозори бўлар эди. Энди эса у ерда баққоллар, балик ва бошқа таомларни пишириб, сотувчи-ларни ўтиради. Бу ер растабозор деб аталади ва катта

деҳқончилик ва хунармандчилиги тўғрисида батафсил маълумотлар берган Муровьев, "Хонлиқнинг беш қалъаси (Хазорасп, Гурлан, Шовот, Хонқа, Янги Урганч)да турли қунари, Хивада эса душанба ва жума қунари бозор бўларди. Манзилнинг аксарияти аҳолиси сув бўйидалигини ҳисоба олиб, хон бозор ўтказиш ҳуқуқини беради, бу ерда қалага ўхшаш дўконлар тикланади, ижарага учун ер хўжайини савдогарлардан биров ҳақ олади ва бундан ўзи ҳам хонга маълум солиқ тўлайди.

Ораддан бир оз вақт ўтиб, ҳонлиқка келган яна бир рус элчиси Данилевский, 1842 йилда Хазорасп бекилигидида ҳафтининг душанба ва жума қунари бозор бўлишига бозорда 200 та савдо дўқони борлигини ўз хотираларида айтиб ўтган. Хуллас, бозорлар доғруғи ҳам худди маданият ва санъатидек Хоразмнинг номини оламга ёйган. Буни юқоридаги факт ва фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Умид БЕКМУҲАММАД

Мозий

йўл бўйида жойлашган". Хивақий тилга олган давр, яъни XIX асрнинг 20-30 йиллари рус сайёҳ, элчилари асарларидаям ифодаланади. "1819-20 йилларда Хива хонлигига сайёҳат" номли китоб ёзган рус элчиси Николай Муровьев ҳам воҳа ҳақида батафсил маълумот беришчи манба қолдиради. Хонлиқнинг умумий таърифи, молиявий аҳоли, пуллари, солиқ йиғиш қоидалари,



Раҳимжон Мирзаев раҳбарлик қилаётган Уйчи туманидаги "Ҳабибулла Мирзаев" фермер хўжалигида 20 гектар майдондаги гўза бараж ривожлантипти. Ҳар тупда 6-7 тадан бўлиқ қўсақлар бор.

СУРАТДА:
Раҳимжон Мирзаев, Т.МАХКАМОВ олган сурат.
Наманган вилоти

Қишлоқ хўжаликларининг эзгу ишлари

Тоғлар бағрида жойлашган Китобнинг ўзига хос фойзу таровати бор. Бу ерда деҳқончилик маданиятини пухта эгаллаган, суяги меҳнатда қотган ҳақиқий заҳматкашлар яшайди. Бугун ҳар қадамда уларнинг фидойи меҳнати самараси янада ёрқин намойиш бўлимоқда.

— Минг эшитгандан бир кўрган яхши, юринг, биргаликда дастлаб туман маркази Китобни айланиллик, — дея тақлиф қилди туман ҳокими Лўқмон ака Раппоров.

Марказий кўчадаги саранжом-саристалик, орасталикни қўриб қўз қувнайди. Пахтабод маҳалласи гузаридидаги ўзига хос меъморий услуб, молия бўлими маъмурий биносидида замонавийлик, тиш касалликлари шифохонаси қурилишидаги шарқона қўриниш, хуллас, буларнинг ҳаммаси мустақиллик, ҳурлик нёзматидан.

Пахтакорлар ҳам юксак режаларни қўзлашган. Улар 2600 гектар майдонда деҳқончилик қилиб 10 минг 200 тонна хирмон яратишмоқчи. "Наманган-77" гўза навини юксак агротехника қоидалари асосида парваришлаётган 449 фермер даласидидаги гўза ҳосилига салмоқ инмоқда.

Туманда картошка, сабзавот, узум, мева етиштиришда ҳам ўзига хос мактаб яратилган. Бу йил 1000 гектар майдондаги картошқадан 3 миллиард сўм фойда олиниши қўзланяпти. Айниқса, даромадли тармоқ бўлган сабзавотчилик ва узумчиликнинг ўзидан 15 миллиард сўм даромад олиш мумкин. Шунингдек, сердаромад соҳага айланиб бораётган чорвачилик бу йил 24 миллиард сўм даромад келтиради.

Ўтган йили туманда барча соҳалардан 46 миллиард сўм фойда қўрилган бўлса, 2007 йил бу кўрсаткич 57 миллиард сўмни ташкил этиши кўтилмоқда. Шунинг 15 миллиард сўми соф фойдадир.

Эришмилан ютуқлар қурилиш, ободончилик, калқ фаровонлигига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида туманда 2 та коллеж, 1 та лицей қурилиб фойдаланишга топширилади. 10 та мактаб жорий ва капитал таъмирланади. 10 та маънавий хизмат йил, 97 та савдо дўқони, 1 та ҳаммом қурилиши ниятсизга етказилади.

2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури ижросини тўла таъминлаш ҳам китобликларнинг қатъий аҳди. Улар 7098 та ҳам таъминланган оилга меҳр-мурувват кўрсатмоқдалар. Мустақиллик байрами арафасида 418 миллион сўмлик моддий ердан берилиб, 40 бош қорамол тарқатилди. Ногирон, нафақахўр, боқувчисини йўқотганлар ҳам доимий этибдор. 60 нафар фахрий мамлакатимиздаги энг яхши сийхат-гоҳ, дам олиш уйларида хордиқ чиқармоқда. Махалла ва қўчаларни тартибга келтириш, йўлларни асфальтлаш ва бошқа ободончилик ишлари ҳам эътибордан четда қолмагани йўқ. Қиска қилиб айтганда, китобликлар Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига ана шундай залворли ютуқлар билан келмоқдалар. Зеро, буларнинг барчаси истиқлол шарофати, у берган кенг имкониятлар мевасидир.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилоти

Ҳуқуқ ва бурч

Меҳнат ва ундан манфаатдорлик прокуратура назоратида

Балиқчилик "Нозим ота" фермер хўжалиги раҳбари А.Нозимовни туманда танимган киши бўлмаса керак. Чўрткесар ва чапаниликда унга етадигани йўқ. Бироқ саховатли, тоғанини элга бўлишади. Бир неча йиллардан бундан шапалоқдай келадиган майдонда деҳқончилик қилиб кам бўлмаяпти. Ҳар мавсумда галла ва пахта етиштириб, ҳам ўзига, ҳам элга наф келтиряпти. Ишловчилардан ташқари 5 та кам таъминланган хонадон аъзолари ва 2 нафар болалиқдан ногирон кишилар ана шу фермер хўжалиги ишлаб чиқаришидан манфаатдор.

Шундай бўлса-да, "Аролхон" ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясида ўтказилган танлов якунларидан унинг кўнгли таскин толмади: 1-лойиҳада қатнашиб, 68 балл тўплаганди. Аммо якуний ҳулосада негадир рақибининг баллари анча ортиб кетибди.

А.Нозимов ҳам анойилардан эмасди. "Фуқароларнинг

жумладан, иш ҳақи, ёшга доир нафақалар тўлиқ тарқатилди. Аммо барибир бозор моҳиятини ҳануз англай олмаётганлар учраб турибди. Чунончи, "Эски Ҳаққулбод" мукобил машина-трактор парк бошлиғи Шаробиддин Расулов ҳамда бош ҳисобчиси Мирабдил Ҳўраев, 102-сонли Чинобод автокорхона очик акциядорлик жамияти раиси

Султонмахмуд Усмонов ва ҳисобчиси Абдурашул Имомов, шу ҳудуддаги Сувокава ишлаб чиқариш корхонаси мансабдор шахслари бажарилган иш учун вақтида ҳисоб-китоб қилишни



руқибига сунъий равишда 4 балл қўшиб ёзганлиги аниқланиб, мулк ҳақиқий эгасига қайтарилди.

Мустақиллик шарофати билан ҳар бир фуқаро амалдаги қонуналар доирасида ижтимоий муҳофазат олинган. Меҳнат қонунарида ҳам ишловчи манфаатлари устувор эканлиги қатъий белгиланган. Шунга қарамай, баъзи мутасаддилар ҳамон эскичиси-га фаолият олиб бораётгани меҳнат ахлининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаяпти.

"Балиқчилик" очик турдаги акциядорлик жамияти туман тасарруфидидаги иқтисоди бақувват саноат корхоналаридан бири. Махсулотига ҳам талаб катта. Лекин ана шундай салоҳияти бўла туриб, маъмурият ва қасаба уюшмасининг беэътиборлиги туфайли иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилган. Ваҳоланки, ўзаро келишув ва битимларда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган.

Прокуратура аралашувидан сўнг, корхонада иш ҳақидан бўлган қарздорликка барҳам берилди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасалар раҳбарлари, ҳисобчиларининг ойда бир марта ўқувлари ташкил этилди, амалдаги қонуналар моҳияти тушунтирилди. Натижада барча қарздорликлар,

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бўшаб қолган кишиларга янги иш ўринлари яратиш мақсадида корхона-ташкилотлар имконияти ҳам ўрганиб чиқилди. 250 нафар киши агросаноат тизимидан саноат корхоналари йўналтирилди.

Тўлқинжон ТОШТЕМИРОВ,

Балиқчи тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Абдусами ҲАКБЕРДИЕВ,

журналист.

Андижон вилоти

«ЯНГИ АВЛОД - 2007»

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ

3 йил ичида ҲОЛИБЛАР СОНИ - 384 ТА!

ЁШИНГ 6 дан 14 гача БЎЛСА,

СЕН ҲАМ ҲОЛИБЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛ!

Ўз йўналишингни танла:

- Мумтоз чолғу асбоблари (фортепиано, торли, зарбли ва бошқа созлар).
- Миллий чолғу асбоблари (торли, чертиб чалинадиган, зарбли созлар).
- Вокал (анъанавий ижро, академик жикро, эстрада).
- Рақс (миллий, бал, спорт, замонавий рақслар, балет).
- Амалий ва тасвирий санъат.
- Шеърят, насрий асарлар ва сахна асарлари.

АРИЗАЛАР

2007 йил 1 АВГУСТДАН 1 ОКТЯБРГА ҚАДАР

"Қалажак овози" Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилот, туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинади.

СЕНИНГ ИҚТИДОРИНГ + БИЗНИНГ КЎМАГИМИЗ = УМУМИЙ ҲАЛАБАМИЗ!!!

Батафсил маълумот учун телефон:
(998-71) 142-08-83, 142-05-56
www.fundforum.uz
e-mail: fonduz@mail.ru

Бобомнинг чорбоғи билан катта кўчани шох-шаббали "девор" ажратиш турарди. Айни 83 чилласида ҳавода жимирлаган саробдан ўзга нарса кўзга ташланмайд. Боғда қўриқчи йўқлигидан қушларнинг чуғури тинмайди.

унчалик қақолмаган бўлсам-да, бобомнинг боғидан олинган ҳосил қишининг чилласида ҳам бетоб қишининг жонига оро кирганини эслаётганини билардим.

Яна Пиримкул бобо мева-чевани бозорга олиб чиқиб сотиб, бола-чақасини яхши кийинтириб, яхши тўйин-

ни, муҳтожларнинг оғирини енгил қилишни бурч, деб билишган. Бир бурда нонини ҳам кўп билан баҳам қиришганини яна бир қарра дилга жо қилмоқлик...

Мазкур йилга "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганди негидир ҳаёлимдан ана шу манзаралар, ана шу

ли деб билган элнинг авлодими-ку?! Гоҳида кўча-кўйда, гап-гаштада ночорлигидан моддий ёрдам сўраб, ёзган аризаси қондирилмаётганидан нолиб гапирётганларга дуч келамиз. Беихтиёр унинг турмуш тарзи билан қизиқамиз. Алп йилгит иш йўқлигидан шикоят қилади. Касб-корини суриштирсангиз, ёшларда бирор касб ёхуд ҳунар эгаллашга кўнгли қилмаганини орланмай сўзлайди. Унинг гапларини тинглаб туриб, бир гурунда ҳамкасбимнинг куйини айтган сўзлари эсимга тушди:

— Қўшнингнинг хайбатидан от ҳурқиди. Тоғни йиқудек қучи бор. Лекин ҳовлисига кирсангиз, қачондир эқилган дарак ҳам сувсизликдан қовжириб қолган. Бўлмаса унингнинг орқасидаги катта ариқдан сув ҳамиша тўлиб оқади. Хайҳотдек томорқа бўш ётибди. Агар томорқада ишлаб, ул-бул эканида дастурхони тўкин бўлиб, ортанини бозорга олиб чиқарди. Томорқадан топан даромадининг ўзи ҳам бир рўзгорнинг кам-кўстини тўлдирарди. Бедами, маккаси экса, мол боқиси учун имконият яратиларди. Аммо кекса ота-онасининг пенсиясига кўз тикиб ўтирса ўтирадики, бирор ишга кўл урмайди. Ён-атрофдаги гуллаб-гўлдан серфайз томорқалар орасида унинг ажриқ босган ери шойи қўйлаққа тушган бўзмокдек қўринадди... Айни кўч-қуватга тўлган йилгит боқимандаликни ўзига эл билганга хайронсан!

Лекин ота-боболаримиз бировга кўн бўлишдан, биронинг ҳисобидан кўн қиришдан орланмишган. Ҳатто, ташландик, тошлоқ жойни ҳам ўзлаштириб, экин-тикин экишган, ҳосил олишган. Муҳими, меҳнатлари ортдан ҳам рўзгорларини, ҳам ўзгалар кўнглини обод қилишган. Кўч-қуватга тўлган ёш-яланг кўча бошида бекорчиликдан кўн бўлиб тўпганиб гап сотганини кўрсам, беихтиёр шулар ҳақида ўйлайман. Ахир меҳнат энг яхши муҳозаза, фаровонлик омили эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Дилбар КЕНЖАЕВА,
журналист.

Кичик ҳикоялар

халтага терар, елкасига олиб олган бежирим сумкачаси ҳаракатига монанд силки-

Йилгилиш олдидан ўша аёлга дуч келдим. Атрофдаги дўгонларига боғ терган уруғликларни улашар, "Экинги, ҳаммаёқ чиройли бўла-

Гулхайри уругини тераётган аёл

Агар йўлга ярим соат кетса, қолган вақтни қандай ўтказишни билмай деразадан кўчага қараб ҳалчан ўтирардим. Дафъатан дарпарда ортдан чаман очилган гулхайрлар панасида нозиккина аёл гавдаси кўринди. У илдам-илдам ҳаракатлари билан гулхайри уруғликларини елим

ниб-силкиниб кўярди. Жазирама иссиқда бу аёлга зарурмикан, деган ўй ўтди кўнглимдан. Бу орада мен кимлар биландир телефонда суҳбатлашдим, хонамга кирганларга жавоб айтдим. Ва беихтиёр яна кўча деразаси томон қардим. Аёл офтоб оловига писанд қилмай ҳамон гулхайри уругини терарди.



ди", дерди. Мажлиси кутиш баҳона қўлим ишга бормай беҳуда ўтказган дақиқаларим учун ачиндим.



Боғбон... ва унинг ўғли

Ишга шу кўчадан қатнашни яхши кўрардим. Ёз кўллари офтоб эрталабдан кечгача олов пуркаган пайтларда ариқ бўйлаб ўтган бу йўл нисбатан соя ва салқин бўлар, айниқса, хонадон олдидан ўтаётган, унинг эгаси қанчалик миришкорлигига тасаннолар айтгим келарди.

Сабабки, баъзилар бу йўл узум бўлмади, деганда ҳам сўрида гўж-гўж узум бошлари осилиб турарди. Кўпинча бу ердан ўтаётган уй эгаси отахон мени чоғроққина

анча йиллар аввал узумнинг антиқа нави кўрганлигини ҳамда шу уйни менга топишга ёрдамлаштишни илтимос қилиб қолди. Ва яна "Узумлар қирқилиб кетмадимикан?" деган оғриқли фикр мени ташвишлантирарди.

Бордики ва кўларимизга ишонмай қолдик. Боғбон отахоннинг худди ўзига ўхшаган ўғли аллақачон ишқомларга кўтарилган тоқ нодаларининг биринчи хомтоқи билан машғул эди.

У дўстим излаган узум қаламчаларини олиб чиқиб, бизга узатди. Таниш-билишимга берарман, деб қузда олиб кўювдим, деди жимлайиб.

Кўз олдимда ўша нуруний отахон ва ишқомдаги шигил-шигил узум гавдаланди.

Абдусаттор ХОТАМОВ

Нигох Қадрини Билган Қаддини Букмас



Атрофдан димоққа меваларнинг аралаш бўйи урилади. Шафтоли билан кечки ўрикнинг ширин ҳиди ёзнинг энг тотли таъми бўлиб тўқолади кишига.

Бир бурда нон топиш қийин бўлган ўша оғир йилларда тут пишигидан тортиб, мезонинг шамоллини еган беҳио тоифиғана қишлоқдошнинг дастурхонига қўйилган. Бобом фойди дунё билан "хайр-хўш" қилганида жанозага келганлар гўё яхшиликнинг муқофоти яхшилик-да, дегандек "Пиримкул бобо омонатини осон топирибди. Ёлнинг қорига яраб, оғирини енгил қилгани охирадга ҳам ғайибди", дейишди. Ушанда мен элнинг қорига яраб, деган сўзларнинг маъносини

тирса ҳам бўларди. Ёки боғдан топган даромадини бир кунимга яраб, деб тугиб қўйса ҳам ҳеч ким ёзғирмасди, деган маъно ҳам бор эди бу сўзларда.

Болалик хотираларим орасида ёрқин из қолдиргани — Султон момонинг девор-дармиёсиз чорбоғи. Йўлнинг ёнбошидаги боғда дарахтнинг барча тури бор, бу боғни на ит қўриқларди, на эгаси. Момо қишда ҳам шифтга илгинган анору беҳи, қурибди олинган қовун қоқю, туршак билан ён-атрофдагиларни сийларди.

Бундай ёрқин хотираларни эсламоқдан мурод шунки, азалдан ота-боболаримиз эл-юртга меҳр-мурувват, оқибат улашиб, уларга ёрдам бериш-

уй-фикрлар ўтди. Ота-боболаримиздан ўлмас мерос бўлган қадр-қиммат, меҳр-оқибат янада ёрқинроқ бўй кўрсатар экан-да, деган фикр шурумин ёритган. Чунки, юртимизда нафақат моддий жиҳатдан ўзига тўқ, балки маънавияти ҳам юксак замондошларимиз талайгина. Улар ногирон, боқувчисини йўқотган ҳамқишлоғу ҳамшахрига ёрдам қўлини қўзишлари, сўян бўлишлари тайин. Савоб ишлари билан элнинг, Яратганнинг назарига тушиб, иззат топаётганларни қўриб, бунга ишончимиз янада ортади. Шундай ҳиммати баланд юртошларимиз бор экан, аждодларимиз улуғлаган қадриятларимиз боқий бўлади. Ахир айтдиқлар-ку "Қадрини билган эл қаддини букмас", деб.

Ўзингдан ортганини бировга илини ҳам қимнингидир кам-кўстини тўлдирди, рўзгорини бутлаб олишга кўмаклашди. Лекин бойлик гирдобиде қўлиб, атрофни туман орасида қўраётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Маънавий қашшоқлик уларни ҳимматлироқ бўлишларига монелик қилса керак. Ахир ҳажнинг савобини ён-атрофдан излаб, ўзгалар ҳолатини чиқариб, олижаноблиқни умрининг аъмо-

СПОРТ

Чоршанба оқшомида Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг икки учрашуви бўлиб ўтди. Қаршининг "Насаф" жамоаси Фарғонанинг "Нефчи" клубини қабул қилиб, кичик 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Кубок ўйинлари бошланди

Учрашувдаги ягона гол муаллифи қаршилликлар мохир ҳужумчиси Зафар Холмуродов бўлди. Иккинчи учрашув эса Қаршидагидан фарқли ўлароқ, голларга бой бўлди. "Шўртан" — "Машъал" беллашувида гузориқлар ғалабани сўнгги дақиқаларда бой бериб қўйди. Мирҳолдишоевнинг 85-дақиқада киритган голи муборакликларнинг мамлакат кубоги 1/4 финалидаги дастлабки учрашувда дуранг қайд этишга замин яратди. Якунда 3:3 ҳисобидаги жанговар дуранг меҳ-

монлар фойдасига хизмат қилса, ажаб эмас. Мазкур ўйинлардан бир кун олдин ўтказилган "Қурувчи" — "Андижон" учрашувда олий лиганинг янги жамоаси йилри ғалабага эришди. Бир қатор тажрибали футболчиларни жамоага таклиф қилган Ҳикмат Эргашев Кубок ўйинларида юксак максдаларни қўзғабган қўринадди. Унинг шоғирдлари илк ўйинда 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур ўйинларнинг жавоб учрашувлари 11 август кuni ўтказилади.

Неста терма жамоада ўйнамайди

Италия терма жамоаси билан 2006 йилда Жаҳон чемпионлигини қўлга киритган тажрибали ҳимоячи Алессандро Неста ҳамюрти Франческо Тотти йўлини давом эттирди.

Энди Неста терма жамоа либосида майдонга чиқмайди. Журналистлар учун махсус ўтказилган прессконференцияда 31 ёшли ҳимоячи яқинда оилали бўлганини алоҳида таъкидлаб, энди фақат "Милан" жамоасида ўйнашини билдирган.

Неста футболдаги профессионал фаолиятини 1993 йили бошлаган ва унинг илк жамоаси Римнинг "Лацио" жамоасидир. Унинг терма жамоадаги дебют ўйини 1996 йилда бўлган. Футболчи шу пайтгача асосий жамоада 78 марта майдонга чиққан. 2002 йилда Милан шаҳрининг "Милан" жамоаси билан шартнома имзолаган Неста бир қатор совринларни қўлга киритган. Айниқса, 2006 йил у учун омадлик келди. Германия яшил майдонларида Неста Жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Чемпионлар "жанг"и

Бугунги кунда профессионал боксининг WBC йўналишида энг кучли боксчи, деб эътироф этилаётган Флойд Мейвезер икки йўналиш чемпиони, Буюк британиялик Рикки Хаттон билан жанг ўтказишга рози бўлди.

"Golden Boy Promotions" ташкиллаштириётган мазкур жанг йилнинг энг шов-шувга бой учрашуви бўлиши кутилмоқда. Чунки, иккала боксчи ҳам ҳали бирор марта рингни мағлуб бўлиб тарк этмаган. Дикқатга молик яна бир тарафи, мазкур боксчилар мутлақ чемпионларни "хафа" қилишган — Мейвезер Оскар Де ла Хойя устидан тарихий ғалабага эришган бўлса, Хаттон енгилмас Константин Цзюни нокаутга учираган.

Иккала томоннинг менежерлари учрашув ўтказиш ҳақидаги шартномага имзо чекишган. Эндиги масала учрашувнинг гонорав миқдорини қандай тақсимлаш ҳақида боради. Чемпионлар жанги шу йилнинг 8 декабрь кuni Лас-Вегас шаҳрида ўтказилади.

Россиянинг энг кучли теннисчиси Мария Шарапова бир ойлик танаффусдан сўнг яна кортга қайтди. Қўлидан жароҳат олган Шарапова сўнгги бор 4 июль кuni "Уимблдон" турнирида Винус Уильямсга қарши баҳс олиб борган.

Шарапова яна кортда

АҚШнинг Сан-Диего шаҳрида ўтказилаётган WTA мусобақаси 2-босқичда тайландлик Тамарин Танасугарн рус теннисчига мағлуб бўлди. Икки сўт давом этган учрашувда ғалаба қозонган Шарапова ўз ўйинидан қоникмаганини билдирган.

— Бугун менда ҳамма нарса амалга ошди. Қатор кучли зарбалар ва оддий хатолар рақибамни шошириб қўйди, — деб айтиб ўтган Шарапова учрашувдан кейинги матбуот анжуманида.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Ички назорат инспекцияси ва мониторинг" бўлими бошлиғи, доцент Саъди Дехқоновга синглиси Мухтабар ҚОРАХОДЖАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Агрохимия ва тупроқшунослик" кафедраси доценти Батирбек САМЕТОВИЧ МУСАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Анвар ИНОКОВ

Фардлар

Истиклол денгизу, қонун бир тўғон, Оқизиб кетолмас уни сел, тўғон.

Истиклолнинг улугворлиги, Қонуларнинг устуворлиги.

Истиклол изидан юрмаса ҳар ким, Қонун ҳам кечирмас бўлса-да, ҳоким.

Оила қалава деб қилсақ ҳаёл, Бир учи эрқағу, бир учи аёл.

Феъл кенг — дилларни ёритган қуёш, Феъл тоғ — қудуқа тушиб кетган тош.

Катра ҳам қуёшга айланар бир кун, Юлдузга айланган томиқдек бир тун.

Оила эр-хотин турмушин тахти, Севикли ватани, фарзандлар бахти.

Меҳмон элчи, элчи меҳмондир, Шоҳ бўлса ҳам киши мезбондир.

Хушхабар дилларни ёритган қуёш, Шунхабар осмондан ёрилган қум-тош.

Ойланг табаррук киндик қонингдир, Маҳалланг жонажон Ўзбекистондир.

Устоз ила шоғирд яқдил бўлса бас, Қурашда бир-бирин асло йиқитмас.

Сувсиз кўкармаган экин-тикиндай, Қаршиш урганлар ҳам кўкармас шундай.

Ҳасан ОТАКУЛОВ

Хамроз

Ёмғир шаррос ёғаяпти. Машинани бир четга олдимда ёмғир тўхташини кўтиб, бир нуктага қараб қолдим. Ўша ётоқхона-ку ахир... Тошкент талабалар шаҳарчасидан чиқиб қолибман.

Сени эслаб...

Едингдадир Умида, баҳор, ёмғир қўйиб турган кунда танишгандик. Мен сени шу ётоқхонада тутилган кунингда дўгонларнинг орасида "Яна баҳор қайтармикан?" қўшигини хиргойи қилиб айтиб берсам, яна айтган Аббор ака, деб ҳоли-жонимга қўямасдинг. Сени бир умрга севиб қолганимни яхши билардинг. Менда пул, мол, дунё йўқлигини ҳам билардинг. Аммо сенга бойвачча, тўқсиз зот керак эди. Ушандайини топиб, турмушга чиқдинг. Яхши қилдинг. Наҳора, тақдир экан. Одамини таниб севиб бўлмайди. Ушанда сен баҳор бўлиб келгандинг қалбимга. Баҳоримни ҳам бирга олиб кетдинг. У баҳор энди қайтмайди. Орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Ҳа, шунча йиллар ўтди. Қара, Умида. Шу дамда ётоқхонанинг ёнида сени эсладим.

Анвар ИНОКОВ

Автотранспорт — кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк қўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Махсулотлар сертификатланган

6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сифмилли сут ташиш машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Уткир РАХМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрноаҳолик ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги	 ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93.	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8 - 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар ☎ -тихорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй		
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.		Газета "сешанба, пайшанба" ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.	Буортма Г-717, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.	Босишга топириш вақти: 21.00 Босишга топирилди: 22.30 Адади - 13752	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.	"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	2 3 4 5 6